

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

БАКАЛАВРИАТИГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 ноябрдаги **“Жинойтларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”**ги Фармониغا асосан Бош прокуратура Академияси негизида Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ташкил этилиб, жиноятларни тергов қилиш соҳасида кадрларни амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаган ҳолда **ягона ёндашув асосида тайёрлашга қаратилган узлуксиз ўқув тизими** йўлга қўйилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида **2023/2024 ўқув йилидан бошлаб** бакалавриатнинг **“Тергов фаолияти”** ҳамда **юриспруденциянинг бошқа бакалавриат таълим йўналишларида** юридик кадрларни тайёрлаш жорий этилди.

Қабул Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 6 апрелдаги 143-сонли қарори билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бакалавриатида юридик кадрларни тайёрлаш бўйича ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартибига** мувофиқ амалга оширилади.

Академия бакалавриатида ўқитиш ўзбек ва рус тилларида, **давлат грантлари ва тўлов-контракт** асосида ташкил этилади. Давлат грантлари асосида ўқишни тамомлаган Академия бакалавриатининг битирувчиларига ваколатли давлат органларида **камида уч йил** ишлаб бериш мажбурияти юкланади.

Жорий ўқув йилидан бакалавриатнинг **“Тергов фаолияти”** ҳамда **“Прокурорлик фаолияти”** йўналиши бўйича қабул ташкил этилади. **“Прокурорлик фаолияти”** йўналишида ўқиш муддати 4 йил бўлиб, кириш имтиҳонлари бошқа олий таълим муассасаларида бўлганидек, умумий тартибда ўтказилади.

Ҳозирда эса Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида **жорий ўқув йили учун “Тергов фаолияти” бакалавриат таълим йўналишига қабул бошланганини маълум қиламиз.**

Бакалавриятнинг **“Тергов фаолияти” йўналиши** бўйича кундузги таълим шаклида, **фақат давлат грантлари** асосида ўқитиш режалаштирилган.

Академияга қабул қилишда абитуриентларнинг муайян тоифаларига республиканинг бошқа олий таълим муассасаларига кириш учун қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган **имтиёзлар татбиқ этилмайди.**

Академиянинг **“Тергов фаолияти” йўналиши** бўйича битирувчилари ваколатли давлат органларига хизматга қабул қилинганда фақат **офицерлар таркибига кирувчи ёки даражали унвон берилиши кўзда тутилган** лавозимларга тайинланади.

Умумий ўрта таълим ёки ўрта-махсус, касб-ҳунар профессионал таълим маълумотиغا эга, соғлиғининг ҳолати бўйича ходим ёки ҳарбий хизматчининг хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан **“Тергов фаолияти” йўналиши** бўйича ўқишга кириш учун ҳужжатлар қабул қилинади.

Академиянинг **“Тергов фаолияти” йўналиши** бўйича кундузги таълим шаклига ўқишга қабул қилиш **танлов, тенг ҳуқуқлилиқ ва қабул қилишнинг ягона қоидалари, очиқлик ва шаффофлик** принциплари асосида қуйидаги босқичларда ташкил этилади:

дастлабки танлов;

махсус психологик танлов;

ёзма имтиҳон;

тест синовлари.

Академиянинг **“тергов фаолияти” йўналиши** бўйича бакалавриати қабулига дастлабки танлов:

ҳарбийлаштирилган тузилмалар (Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Божхона қўмитаси);

ҳарбийлаштирилмаган ташкилотлар (прокуратура органлари, шу жумладан Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Мажбурий ижро бюроси)даги талабларни инобатга олган ҳолда алоҳида тартибда амалга оширилади.

Бунда, номзод ўз ҳужжатларини ҳарбийлаштирилган ёки ҳарбийлаштирилмаган соҳа бўйича топшириши лозим.

Номзодлар жорий йилнинг **15 май кунига қадар** Олий таълим, фан

ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг **махсус электрон платформасида** (<https://my.uzbmb.uz/>) рўйхатдан ўтадилар.

Номзод белгиланган муддатларда:

ҳарбийлаштирилган йўналиш бўйича – **ҳудудий ички ишлар органларига**;

ҳарбийлаштирилмаган йўналиш бўйича – **ҳудудий прокуратура органларига** тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

Дастлабки танлов қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

ҳарбийлаштирилмаган йўналишлар учун – ҳужжатларни тўплаш ва ўрганиш;

ҳарбийлаштирилган йўналишлар учун – ҳужжатларни тўплаш ва ўрганиш ҳамда тиббий кўриқдан ўтказиш.

Ҳарбийлаштирилган тузилмалар учун қуйидаги махсус параметрлар талаб этилади:

- ёши ўн еттидан кичик ва йигирма бешдан катта бўлмаслиги;
- бўйи баландлиги эркаклар учун – 165 сантиметрдан, аёллар учун – 160 сантиметрдан паст бўлмаслиги;
- ҳарбий-тиббий комиссия кўриги натижасига кўра соғлиғининг ҳолати бўйича хизматга яроқли деб топилганлиги.

Махсус психологик танлов учун тест топшириқлари Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан тузилади, тест синовлари жорий йил **июнь-июль ойларида** ўтказилади.

Ёзма имтиҳон жорий йил **июнь-июль ойларида** Агентлик томонидан диктант шаклида ўтказилади.

Академиянинг “Тергов фаолияти” йўналиши бўйича тест синовлари жорий йилнинг **1-10 август кунлари** ўтказилади ва мазкур жараён Академия расмий веб-сайтида тўғридан-тўғри намоиш этиб борилади.

Академияга ҳужжат топширган ва миллий сертификат ёки халқаро сертификатга эга бўлган абитуриентларга ушбу фандан имтиҳонларсиз белгиланган максимал балл берилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бакалавриатига кириш имтиҳонлари билан боғлиқ янгиликлар билан Академиянинг расмий веб-сайти (www.proacademy.uz), ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари: www.facebook.com/ProsecutorAcademy

www.instagram.com/proacademyuz/ (<https://t.me/ProsecutorAcademy>)
ҳамда бошқа оммавий ахборот воситалари орқали танишиб боришингиз мумкин.

Шунингдек, бакалавриятга кириш билан боғлиқ маълумотларни 71 кодли 202-04-96 телефон рақами орқали ҳам билиб олишингиз мумкин.

Тергов ва суриштирув соҳасининг малакали, етук мутахассиси бўлиб етишиш ва Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида хизмат қилиш истагида бўлган ёшларни илғор халқаро стандартлар, инновацион таълим ва ахборот технологияларига асосланган замонавий таълим муассасаси – Ўзбекистон Республикаси **Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси**да кутиб қоламиз.